



ГАЗЕТА
1918 ЙИЛ
21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 73 (20. 340)

1989 йил 27 март, душанба

Баҳоси 3 тийин.

МОСКВА, 26 МАРТ...

Пойтахт СССР халқ депутатлари сайлови кунинда сипо ва тантанали безанди.

...Эрталабдан бошлаб шаҳар узра булутлар сузиб юрди, ёмғир ҳам томчилди, аммо бу москваликларнинг байрам кайфиятини бузолмади. Тантана кунларидегидек шаҳар олранг байроқлар билан безатилган. Репродукторлардан музика оҳанглари янграмоқда. Ҳамма ёнда баҳор гуллари.

Пойтахтнинг марказий магистрли — Горький кўчасидан ўтиб борамиз. Илгаригидек бу ерда «Ҳамма — сайловга!», «Коммунистлар ва партиячилар блоки номзодлари учун овоз берайлик» шиорлари кўзга ташланмайдди. Сайлов бюллетенини қўлга намоишкорона ташлаётган чехраси оқибатдан тасвирланган плакатлар ҳам кўринмайдди. Бу галги сайловда ишчанлик услуби қарор топди.

Магистраль саҳни — «Бутун ҳокимият — Советларга!», «Ер — деҳқонларга!», «Фабрика — ишчиларга!», «Транспартилар беэо турибди. Бу иборалар сайлов олди режаларига аниқ киритилди.

...Марказдан узорқондаги Орехово-Борисовомади. Кашир шоссес бўйлаб янги қурилишлар кўзга ташлана-

ди. Балаид-балаид иморатлар қурилган. Келажакда ишонч бағишловчи ишлар олиб борилади.

СССР халқ депутатлигига номзодларнинг режаларида ва москваликларнинг ўз номзодлари билан уррашулариди кўзга киритилган ютуқлар билан бирга мавжуд муаммолар ҳам рўй-рост кўрсатиб ўтилади. Олдинда — бу муаммоларни биргаликда ҳал этиш вазифаси турибди. Сайловчилар ўз таассуротлари билан ўртоқлашади.

— Мен ўз хоҳлаган номзодимга илк бор овоз беришга муяссар бўлдим, — дейди ишчи Л. Колесник. У Орехово-Борисовода улғайди. Унинг кўз ўнгига замонавий бинолар қад ростлади. Ўзи ва уч қизи учун бундай қўлайлик қувонтириши мумкин эди. Аммо таъминот масаласи янада яхшилангани кўради. Людмила Владимировна сабзавот дўконига кириб чиқади. У бу ерга қарам олмиш учун келган. («Кеча бу мақсулот бўлмаган»).

Сайловчилар ўз номзодлари учун овоз бериб, уларни ваъда қилган режаларини теозроқ амалга оширишга яна бир бор даъват этиди.

Ю. БЕРСЕНЕВ,
В. ЕГОРОВ,
ТАСС мухбирлари.

● КЕЧА МАМЛАКАТИМИЗДА БАРЧА ТЕРРИТОРИАЛ ВА МИЛЛИ-ТЕРРИТОРИАЛ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ БУТИЧА СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛИГИГА САЙЛОВЛАР БУЛИБ УТДИ.

«ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛГАН ЭДИ...»

Мамлакатдаги 177779 та сайлов участкаси билан минглаб кўзга кўринмас ришталар орқали боғланган Марказий сайлов комиссиясининг бош сайлов штаби, зеро мар-

казий сайлов комиссиясини ҳозир фақат шундай деб аташ мумкин, бугун — 26 март кунини бир қарашда оёсийишта кўринади.

Марказий

сайлов

комиссиясидан

репортаж

ги, овоз беришда кимлар қатнашганини ҳақиқатда, ҳақиқий эмас, деб топилган бюллетенлар, у ёки бу номзодни ёкида ва унга қарши овоз беришга сони ҳақиқатда маълумотлар ва албатта, сайланган депутатларнинг фамилиялари киритилди.

Махсус хонада столлар устида кўпал кичик компьютерлар қўйилган. Бу ерда Марказий комиссия ходимлари ва СССР Статистика давлат комитети ҳисоблаш бош маркази операторларидан иборат Марказий сайлов комиссиясининг ҳисобловчи группаси ўтирибди. Орадан бир неча соат ўтгач, дастлабки телеграммалар олиними кириши таққиланади. Бу ерда иш қандай боради? Биз шу савол билан группа раҳбари Т. Захаровага мурожаат қиламиз.

— Биз Марказий телеграф билан бевосита алоқа боғлаганимиз. У ерда «сайлов» белгиси билан телеграммани қабул қилиш узели ташкил этилган. Ёнг аввало вақт минтақаларига биноан регионлар бўйича телеграммаларни қатъийан ҳисобга олиб борамиз. Шундан кейин олинатган хабарлар арифметик ва мантиқий текширувдан ўтказилиши керак. Миқдорий тафовутилар аниқланган тақдирда маълумотларни шу зоҳотиёқ телеграфчилар ёрдамида қайта текширамай. Солитирилган рақамлар ва маълумотлар қаротенгага ёзиб қўйилади. Барча терриотриал ва миллий-терриотриал сайлов округлари бўйича СССР халқ депутатлигига кўрсатилган ҳамма номзодларга 1500 та нарточка бор. Ҳар бир номзодни ёкида ва унга қарши овоз беришга неча процентини ташкил этишини электрон ҳисоблаш машинаси ёрдамида ҳисоблаб чиқамиз. Хатолар бўлиши мумкин эмас.

Репортаж бошида биз Марказий комиссиянинг сайлов округлари билан боғланган кўзга кўринмас минглаб ришталарини эслатиб ўтандик. Кабель, радиореле, йўлдош алоқаларнинг кўпдан-кўп каналлари иш бошлашга исталган дақиқада тайёрдир. Фақат бориш қийин бўлган районлар — Помир, чекка шимол билан алоқанинг пухталигини ошириш учун ташкил этилган уч мингдан ортқ радиостанция ишга туширилди. Бугун «сайлов» афидра асосий позивнойлардан биридир.

А. АЛАДИНСКИЙ,

Москва
ТАСС мухбири.

Москва, 26 март. Байрамона дақиқалар. Пойтахтда СССР халқ депутатлари сайлови ишчанлик вазиятида ўтди.

Суратда: М. С. Горбачев овоз бермоқда.

ТАСС—ЎзТАГ телефотоси.

ҚАЙТА ҚУРИШ УЧУН ОВОЗ БЕРИШДИ

Тошкент

ЭДИ ИЖРО КУТАМИЗ

Республикамиз пойтахтининг Фрунзе районидида 7-хунаар-техника билим юртида кеча ҳаёт одатидан анча эрта бошланди. 150/35 сайлов участкаси жойлашган бинога тоғ саҳариданқ сайловчилар оқиб кела бошлади. Билим юрти ҳовлисида киришимиз билан бу ердаги кўтаринки нафийат ва байрамона руҳни сезиш қийин эмасди. Бино пештокидаги Советлар мамлакатимиз ва республикамизнинг давлат аронлари, бугун СССР халқ депутатлари сайлови кунини эълон қилиш таъиниловчи ёзувлар кишиларни ўз гражданилик ҳуқуқларини қайтаришга даъват этиди. Радио нарийларидан ишқ куй ва қўшиқлар янгради. Сайлов участкасига турли касб, турли ёшдаги кишилар кириб келмоқда. Уларнинг ҳаракатлари ва ўзларини тутишларидан қайта куриш даврининг илк сайлов кампанияси якуниридан манфаатдорлик ҳисси акс этиб туради.

Участкига қарашли турар жойларда 1700 дан ортқ сайловчи истиқомат қилади. Уларнинг орасида ўқитувчи, оқимлар ҳам, меҳнат ходими ва ёшлар ҳам бўлади. Аммо сайловчиларнинг кўпчилигини ишчилар ташкил этиди. Уларнинг муайян қисми қўшбўлиқамиз саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришда байроқдорлик қилган Тошкент тўқимачилик комбинати ҳамда Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи ишчиларидир. Зотан улар бугун 116-миллий-терриотриал сайлов округидан номзоди рўйхатга олинган «асосдошлари, комбинатнинг йигирув фабрикаси арқоқ йигирувчиси Дилбар Қосимова ҳамда 600-терриотриал сайлов округидан номзод, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Борис Федорович Сатин учун овоз бериш имкониятларидан фойдаланадилар.

Овоз берувчилар кўпая бошлади. Қўлларига сайлов арақаларини олган сайловчилар яширин овоз бериш учун жиҳозланган хоналар

орқали сайлов қутиларини ёнига бормоқдалар. Сайловчилардан бири билан сайлов натижаларига қандай ороуниятларини боғлаётганлиги ҳақида сўраймиз:

— Бу кампанияга кенг демократия ва ошкоралик руҳи берилганлигидан хурсандимиз, — дейди. 7-хунаар-техника билим юрти ишлаб чиқариш мастери Абдусами Ҳамидов. — Ёнликда меҳнат аҳли билан давлат ишлари, депутатлик фаолияти, турмушлик йиллари туфайли юзага келган масала ва муаммолар ҳақида кенг маслаҳатлашмоқда. Бу ҳаётимизда кўп учрайдиган лояқатли, эътиборсизлик кайфиятларига барҳам бериб, қайта куриш вазифаларининг муваффеқиятли амалга оширишга кўмаклашадим.

Овоз бериш хонасидан гул-гул ёниб бир группа қизлар чиқиб келишди. Уларнинг чехрасида шодлик, мамнуният ифодаси.

— Биз, — дейди кулиб Замира Алимбекова, — номзод Дилбар Қосимованинг касбдошларимиз. Бир фабрика, бир чехда кеча йиллардан буён қўли-қўлга бериб ишлаб келамиз. Ҳар киси номзоднинг программалари билан танишиб чиқдик. Ҳақиқатан ҳам социал масалалар, уй-жой билан таъминлаш, транспорт хизматини яхшилаш, шаҳарнинг ободонлаштириш суръатини кўтариш ҳозир долзарб масала бўлиб турибди. Овоз бериш эканмиз, улар халқнинг мухтор вакили сифатида фойда олиб боришларига ишонамиз.

Зотан, ваъда ишининг бошланғич, ҳоло. Депутатлик фаолиятига кўпчилик эътиборига ҳавола этилган программа, олинган нақзалар қандай бажарилишига қараб баҳо берилади. Берилган сўзнинг ижроси эртага тарозини босадими-қўйи? Бу масала ҳақида чуқурроқ ўйлаб қуриш керак.

— Сансон ёшни қоралайман, — дейди Улуғ Ватан урушин қатнашчиси, қўшбўлиқ ордени ва медаллар соҳиби Вера Шабашова. —

Партия бу галги сайловолди кампаниясида совет халқини, илгари бўлганидек, «мустақкам яқдилликка» даъват этгани йўқ. Ҳокимиятнинг олий органида ниҳоятда серғайрат, халқ ишига жуда содиқ кишилар ишлашлари керак. Муносиблар кўп, аммо улар орасидан саралаб олиб, сайлаш керак.

Ҳозирча қўлимизда сайловнинг узи-кесил натижалари йўқ, лекин сайловнинг қандай ўтгани, граждандарнинг сиёсий фаоллиги Ўзбекистон аҳо-

лисининг кўпчилиги чинакам халқ ҳокимиятининг амалдаги дастурини бунёд этиш тўғрисидаги партия даъватини тўғри уқиб олди, деб ҳисоблашга асос бўлади.

Қуйида республикамизнинг жанубий чега-расидан тортиб Орол бўйига, Усть-Юртдан тортиб Тянь-Шань тоғ тизмасигача — хуллас, шаҳар ва қишлоқларда жойлашган сайлов участкаларидан олинган репортажлар билан танишасиз.

Аммо бугунгидай чин қўнғилдан, ййраб овоз бермаганман. Матбуотда, радио ва телевидениеда номзодларимизнинг дил сўзларини, режа ва йўлларини эшитиб, танлаш имкониятига эга бўлдик. Албатта уларнинг сўзлари билан ишлари бир бўлиб чиқиши керак.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Рифоат Кучликова эса номзодларга нисбатан талачан.

— Яхши эсимизда, — дейди у, — илгари ҳам сайланган депутатларимиз учрашуларда ваъдаларини беришарди-ю, айтилган мулоҳазалар кўнга сингиб кетмади сувади йўқ бўлиб кетаверди. Бу гал ана шу ҳол тақдорланмади, деб ўйлайман.

Сайловчилар бу галги сайловнинг одилона ўтказилишининг айтиш билан бирга айрим талаблари, ўзларини беэовта қилаётган камчиликлар ҳақида ҳам таширдилар. 3-Салор посёлкисида яшовчилардан бир гуруҳи си уй-жой паронтлари оғирлиги, анча илгари қурилган уйлар яшаш учун яроқсиз ахволга келгани тўғрисида тегишли ташкилотларга мурожаатлари керагига натижа

Сурхондарё

ЖАНГИЛАР УЧУН

ДАСТЛАБКИ САЙЛОВ

● МАҲАЛЛИЯ

ЕЗИ ВАҚТ

БИЛАН

СОАТ 8.00

Термиз гарнизонининг ҳарбий бўлималарида бирида, гарчи «Тревога», деб фар-

мойиш берилмаган бўлса-да, кўпчилик аскарлар шу ердаги сайлов участкасига «Янгилар». Бунини қуйидагича изоҳлаш мумкин: ҳозирги сайлов улар ҳаётдаги биринчи сайловдир, бунинг ус-

тига у демократиялаш ва ошкоралик шароитида бўлмади.

Сайлов чоғида ҳар бир граждандан ўз бурчини адо этиди Жангчиларнинг бир қисми ҳозир запасга қайтиш арафасида. Мана, ҳозирча Қизил Юлдуз ордени нишондори, старшина Шухрат Тоҳиров бюллетенини қўтичага ташлади. Яқин орада у Самарқандга қайтаб боради, уни ота-онаси, сингаллари ва укалари соғиниб кутишмоқда. Армиядаги хизмат туфайли узилиб қолган ўқинини яна Самарқанд давлат университетига давом эттиради.

— Биз жангчилар ўз тақдиримизда давлатимизнинг халқаро сиебатига янгича фикрлашнинг реал натижаларини ҳис этидик, дейди Шухрат. — Бугун номзодларимиз учун овоз бериш эканман, ана шу сиебатини астойдил қўллаб-қувватлашимни айтаман.

Ҳар бир сайловчи қўлига олган икки бюллетенининг бирида 592-Термиз терриотриал сайлов округидан СССР халқ депутатлигига номзод, Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони, генерал-лейтенант И. В. Фуженконинг номи қайд этилган.

— Мамлакат Қуролли Кучларида бошланган ўзгартиришларининг давом этишидан умидворимиз, шунинг учун ҳам биз қўмондонини ва армиямизнинг бошқа намоилдари давлат ҳокимияти-

Қашқадарё

БУЁҒИ

ДЕПУТАТЛАРГА БОҒЛИҚ

● ЯНГИ НИШОН
ШАҲРИ
СОАТ 8.35

126/235 сайлов участкасидан эълон қилинган овоз бериш чўққан қўллаб ёшлар Қарши дағшти дастлабки чўққарларнинг фарзандларидир. Булар орасида ўзбек Т. Хасанов, лекин қизи С. Мамаедова, татар Э. Қазиев бор. Улар кўп миллатларнинг вакиллари яшайдиган шаҳарнинг ёшларидир, бу ерда уларнинг ота-оналарини яхши билишди, даштнинг гуллаб-яшнаши учун куч-ғайратини аймай ишлаётган бу ходимларни ҳурмат қилишди.

Бу гал сайловчилар овоз бериб бўлишганидан кейин, ўтган йиллардагидек дарҳол тарқаб кетишмади. Сайлов олди учрашуларини чоғида номзодларга берилган нақзаларни, чўққарларнинг тўққилантираётган янги соҳаларини келажакда, даштдаги меҳнаткор ишлари, Озид-оқидат программасига оид муаммоларни қизги муҳокима қилишди. Ўтмишда бўл қўшган хатоларини таққорлаб бўлмайди, — деб таъкидлашди сайловчилар. Янги ерларни оёқ-ости қи-

лиш, пахтанинг янқа ҳокимияти шунга олиб келдики, катта-катта маблаглар сарфланган минглаб тектар экинзорлар ҳар йили қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз ҳолга келиб қолмоқда.

Аммо қурувчилар ҳозир ҳам қўшнча аскериб қолган лойиҳаларга кўра уй-жой ва шийшонлар қурмоқдалар. Қўшнча хўжаликларда коммунал тармоқлар ва ирригация шохобчалари ишламайди, шу сабабдан қолсининг таннари ортиб кетмоқда. «Наршечеликхолок» трести совхозларидангина ортиб 4 миллион сўмлик ортиқча техника йиғилиб қолди. Одамлар булдан хабардор, бунини қўриб туришди. Сиёсий ва итисодий вазиятда ўзгаришлар содир бўлатган ҳозирги вақтда сайловчиларнинг шунга ишончи комилки, бундан буён депутатлар асл ҳокимиятга бўладилар ва мамлакатда илгарига қараганда тезроқ тартиб ўрнатилади.

Хуллас, муаммолар кўп. Буларнинг барчаси сайловчиларнинг наздаларида акс этган. Энди бугун депутатларга боғлиқ бўлиб қолди.

Бухоро

РЎЙ-РОСТЛИК ВА

ОШКОРАЛИК ВАЗИЯТИДА

● БУХОРО

ШАҲРИ

СОАТ 12.25

Педагогика институтини бисосида жойлашган участкада сайлов қутилари ёнига келган шаҳарликлар орасида мана шу қадимий шаҳарда истиқомат қилувчи барча ўттиз уч миллат вакиллари бор. Улардан тўрт мингдан кўпроғи кичик халқлар, деб аталмиш эдаларга мансубдир. Бугунги кунда ана шу халқларни нисмалар тўққилантирмоқда? Улар жаҳиятда рўй бераётган ўзгаришлардан ва депутатлардан нисмалар куттишмоқда?

— Бу жўн бўлмаган са-

волдир, — дейди эндиғина ўзининг сайлов бюллетенини сайлов кутисига ташлаган Бухоро давлат педагогика институтини рус тили кафедрасининг мудирини, филология фаилари кандидати, миллатлар муносабатлар масалаларига доир бир қанча илмий ишлар муаллифи А. Ниёзоев. — Кўп йиллардан бери ана шу муаммолар билан шугулланаман. Бирок, кейинги вақтдагина бу соҳада нимадир реал иш қилинаётганлигини кўриб туриришим. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумидан кейин (Давоми иккинчи бетда).

Михаил Шатров:

«ЛЕНИННИ КЎП ЎҚИСАК, КЎРСАК...»

Михаил Шатровни, унинг «Олтинчи йил», «Большевиклар», «Қизил ялловдаги кўк тулпорлар», «Шундай галаба қиламиз!», «Брест сулҳи», «Виздон салтанати», «Олга, олга, олга!» пьесаларини, улар асосида яратилган спектакллари ким билмайди дейсиз. Яқинда, Халқаро театр кўни арасида ана шу машҳур драматург, совет театр санъатининг атоқли намоёниси Тошкентда бўлди. Уни биринчи кўниёқ Санъатшунослик институтига учрашуга таклиф этишди. Ўзбекистон Театр арбоблари союзи ва институт мамурияли томонидан уштурулган бу учрашуга нисбатан кўп одам йилди. Бундай кўришув узоқ кутилганидан, қолверса, Михаил Шатров совет адабиёти ва санъати Ленинномининг моҳир, жонқуяр муаллифларидан бири эканлигини билса керак, залга йилларнинг деярли барчаси драматургга ўзини қизиқтирган савол билан мурожаат қилди. Ёзма равишда берилган саволлар маъмури раён-баранг эди. Биринчи асосий тема — драматургия, театр санъати муаммоларига қизиқиш фидоланган бўлса, иккинчиси давр ва ёзувчи позицияси тўғрисида сўров бор эди. Учинчи савол эса, мулоқотни сиёсий мавзуга бурни юборди. Тўртинчи савол... Хуллас, уларнинг ҳар бирига батафсил жавоб қилинди. Бизни, залда ўтирганларни, айнаси драматургининг дадиллиги, даңғалиги, ўзининг мукаддас фикрига, позициясига чинакам солиқлик эканлиги, ошқораликни, нисбатан хуш кўришни хурсанд этди.

Худди шундай учрашув

эртасига бутунлай бошқа соҳа кишилари — Тошкентдаги Абу Али ибн Сино номидаги даволаш-профилактика бирлашмаси ходимлари билан бўлиб ўтди. Бирлашма бош врач К. Ризаев ташаббус билан ташкиллаштирилган бу учрашув меҳмонда ҳам, мезбонларда ҳам бирдай илиқ таассурот қолдирди.

Драматург билан учрашиб, унинг Ўзбекистон ҳақидаги фикрларини сўрадик.

— Ўзбекистон дахшати, оғир кунларда, аниқроғи, уруш йиллари бошлар қатори менга ҳам бошпана бўлган, — деди у. — Ойла-миз билан Самарқандда яшаганимиз. Мен ўша йиллари, болалигимдаёқ ўзбек халқининг меҳрибонлигини, болажонлигини, дўстпарварлигини қалбдан ҳис этганман. Самарқандда эвақуция қилинган бошқа оилалар ҳам яшаган. Кейинчалик ўсиб, воёга етган дўстларим ҳам ҳозиргача Ўзбекистонни миннатдорчилик билан тилга олишди.

Михаил Шатровнинг асарлари Тошкентда, шунингдек, област театрларида саҳналаштирилган. Масалан, «Олтинчи йил», «Қизил ялловдаги кўк тулпорлар» пьесалари Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида муваффақиятли саҳнага қўйилиб, узоқ вақт намойиш қилинган. Ундаги В. И. Ленин ролини СССР халқ артисти Зикир Мухаммадзонов ижро этганини яхши биламиз. Икки йил бурун Қашқадарь област М. Тошмухамедов номидаги Ўзбек музикали драма ва комедия театрида «Қизил ялловдаги кўк тулпорлар» пьесаси саҳналаштирилди. Ўзбекистонда бу пьесанинг асарлари

бекистон ССР халқ артисти Омон Беганжиев спектаклида дохил образини усто санъаткорлар аъналарига, тажрибаларига таянган ҳолда муносиб талқин қилди. Айни кунларда эса М. Горький номидаги рус Академик драма театрида «Олга, олга, олга!» драматизм катта қизиқиш билан кўрсатилаётган.

Бугун— Халқаро театр кўни

— Афсуски, ҳар хил сабаблар туфайли бу асарларни кўрганим йўқ, — дейди М. Шатров. — Ленин Ўзбекистонлик санъат усталарига ишонаман. Масалан, Зикир Мухаммадзоновдек моҳир актёр В. И. Ленин ролини ўратмайча ижро этишни тасаввур қилиб бўладими? «Олга, олга, олга!» Тошкентда кўраман деб келган эдим, театр гастролда экан.

Драматургдан дохил ҳақида кейинги икки-уч йил иккида яратилган асарлар тўғрисида ўз мулоҳазаларини ўртоқлашгани илтимос қилганимда, у шундай деди:

— Ленин ҳақида турли жанрларда асарлар ёзилган, бу — факт. Лекин, тўртинчи айтганда, сўнгги йилларда бадий маданиятимизда воқеа бўладиган пьеса ёки проза асари ёзилмади, менимча. Ўзинишлар бўлган. Бу темага ёшлар ҳам



қўл урипти. Шундай экан, муқаддас мавзуга бўлган маъсулиятини чуқур ҳис қилиб ижод қилмоғимиз керак. Ленин ҳақида яхши асар ёзиш учун энг аввало унинг ҳаётини яхши билишимиз, асарларини пухта ўрганишимиз лозим. Ленинни қанча кўп ўқисак, шунчалик ютадик, яъни унинг ҳақида янада мароқли, янада бақувват, янада юксак асарлар яратамиз. Ана шундай илтишлар, қизилишлар самараси сифатида майдонга келган пьесаларни томошабин саҳнада кўрса қан-

дай яхши! Биз замондошларимизнинг камолотини барқарор этишда ҳисса қўшган бўламиз, ахир! Шу бос мен ҳар доим бир гапни шпор сифатида ўртага ташлайман: Ленинни кўп ўқийлик!

Маълумки, келгуси йили мамлакатимиз, халқларимиз, қолверса, бутун тараққиётпарвар инсоният В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллигини нишонлайди. Бугун умрини, ижодини Ленин мавзуга бағишлаб келатган драматург Михаил Шатров ана шу кўтлуг саҳнага бағишлаб «Тошмо» деган драма ёзмада. Муаллиф-

нинг айтишича, янги асарда дохилининг ўлими тарихи ҳақида ҳикоя қилинади.

— В. И. Лениннинг 120 йиллиги муборак сана, гоҳтада маъсулиятли юбилейдир, — дейди М. Шатров. — Унга театрларимиз муносиб совғалар билан бориш учун илтишмоқларимиз. Ишончим комилки, ана шу тарихий воқеа муносибати билан Ўзбекистон саҳналарида ҳам янги асарлар пайдо бўлади. Бу ишда қимматли дўстларимга, саҳна санъатининг актив жонқуярларига муваффақиятлар тилайман.

Ю. БЕРДИЕВ.

АХБОРОТ

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР

● ДИЛ СЎЗЛАРИ

Бирлашган ўзар...

Ўзбек халқининг «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тузар» деган мақолини яхши кўраман. Бизнинг Грузияда «ога нинис билан кучли» деган нақл бор. Мен қардош Арманистонда юз берган кучли табиий офат кезлари ёрдамга ошқан ўзбекистонлик ватанпарварларни кўрганимда, ана шу мақолаларнинг мазмунини яна чуқурроқ ҳис этдим.

Ўзбекистоннинг ён қўшнис Тожикистонда юз берган эзиллаша ҳам кўпчиликни оёққа туртади. Ҳисор райони, аниқроғи Карл Маркс номидаги кўчаларда бўлганимда Ўзбекистон курувчилари ва мутахассисларнинг тиклаш ишларида жонбозлик кўрса-

тишаётганлигини шохиди бўлдим. Тожикистон пойтахтидаги олий ўқув юрлари студентлари билан учрашувлар чоғида эса катта ҳиммат ва хайрия учун улар шанига миннатдорчилик сўзлари янграганида менинг ҳам кўнглим юксалди. Ўзбекистонликларнинг интернационал бурчаларини адо этиб, кўрсатаётган гайрат-шижоатлари ҳақидаги илмий сўзларимни газетхонларга ҳавола этишни лозим топдим.

В. БЕШПАШВИЛИ,
Грузия ССРнинг Телави шаҳридаги пайпоқ тўқиш фабрикаси юрист-консультанти.

● ФАКТ ВА ШАРҲ

Ўзбекистон намоиш

қилади

Куз ойларида Ҳиндистон пойтахти Дехлида ўтказилган катта халқаро саноат ярмарикасига Совет Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари намоиши этилади. Бу ҳақида Ўзбекистон ССР Савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари Ҳамид Хайитов кўйидагиларини гапириб берди.

— Шу кунларда Савдо-саноат палатаси республикамиздаги илмий-тадқиқот муассасалари, корхоналари ва хўжаликлар билан ҳамкорликда ана шу кўрикка қизгин тайёргарлик ишларини бошлаб юборди. Ярмаркада Совет Иттифоқи учун ажратилган маблуднинг анчагина қисми Ўзбекистон ихтиёрига берилди. Республикада бўлими экспонатлари орасида Тошкентнинг йирик корхона-

рида ишланган маҳсулотлар кенг ўрин олади. Улар орасида пахта териш, сейлка, пуркач, култиватор ҳамда трактор каби қишлоқ хўжалик машиналари бор. Чинни, бадий буюмлар, ўйинчоқлар, тўқимачилик маҳсулотлари, янги кийим-кечаклар ҳам намоиш этилади. Булардан ташқари Бухоро зардўзчилари, Хива гиламчилари, Маргилон атласчилари, Наманган шойичилари ҳам ўз экспонатлари билан қатнашди. Ўзларимиз миллий либосларини намоиш этишда иштирок этадилар. Серкеш ўлкасида Совет ҳокимияти йиллари эришган барча муваффақиятлар кўриқда ўзига хос ифода топади.

А. ПУЛТАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

● ЮРГАН ДАРЕ

Қизиқарли
экскурсия

— Хўжалигимиз маъмурияти ва сабаб соҳа ташкилотлари барқарорлиги билан ишчи-хўжаликчиларнинг муносиб рағбатлантиришлари, — дейди «Сирдарё» совхози сабаб соҳа ташкилот раиси У. Дилдабеков. Чунинки, 30 нафар ишчи Ленинградда ўн кунлик сафарда бўлди. Механизатор Э. Назаров, шофер Р. Туялов, курувчи Б. Рузкулов, ишчи М. Норбобоевлар Нева дарёси бўйидаги шу қўрқам шаҳар таассуротлари билан қайтишди. Ун нафис илгор ишчи эса Москвада туристик экскурсияга бориб келишди.

— Мен бир неча йилдан бери Турсковга бориб даволашман, — дейди механизатор Н. Авликулов. — Кўрсатилаётган гавмулликдан мамнунийимиз. Яхши дам, меҳнатга бадом деганларидек, сафарда бўлиш, сапарларимиз мушаккамлаш барқарорлиги меҳнат қилишимизга замин бўлди.

А. БУРЛИЕВ,
Сирдарё райони

● ХИММАТ

Виждоний
бурч

Шериф Норов кўп йиллардан бери Шохрӯд район страхование идорасида ҳалол ҳолатда қилиб келмоқда. Ўзининг ишчанлиги, камтар ва камсуқумлиги билан қадар топган. Коллектив аъзолари Шериф аканинг бир хислатини, айниқса, эъзозлашади. У ҳам бўлса, қерда табиий офат, бахтсиз ҳодиса юз берганини эшитгани ҳамон ҳиммат кўрсатишга ошқинишди. Ўзи болалар уйда тарбия топган. Шунинг учунки, В. И. Ленин номида Совет болалар фонди ташкил этилиши ҳақидаги хабарни илқ қаршилади. Болалар фондида 500 сўм хайрия ўтказди. Чернобылда юз берган ҳалокатларни бартерфэ этиш ҳисобига 700 сўм. Пскентдаги суя тошқинига брдам учун 100 сўм. Орлоин кутқариб қолдиш фондига 180 сўм. Арманистонга қўнқак учун 200 сўм. Совет тинчлик фондига 540 сўм пул ўтказган.

У. ҲАЙУЛЛАЕВ,
Шохрӯд район кўшр-лик жамияти секретари.

Хатлардан сатрлар

● СУРХОНДАРЕ. Область пойтахтида фойдаланишга топширилган университет биноси пештоқиға «Гулишан» деб ёзиб қўйилди. Кўрсатилаётган савдо хизматидан кўпчилик мамнун.

Қ. АБДУЛЛИНОВ.

● САМАРҚАНД. Хатирчи райониди «Оқолтин» совхозиде янги клуб фойдаланишга топширилди. Қишлоқ ақли бўш вақтларини мароқли ва мазмунли ташкил этишлари учун имконият вужудга келди.

У. ЖУМАЕВ.

● ҲОДИСА

Олишув

Нурота давлат наслчилик заводида қарашли 4-форма чўпон Умарбой Зиевнинг кўндалариди мустақкам бўлиб, бу борда унга фават пўлат тўнғлаш олар экан. Мутахассисларнинг таъкидлашича, 0,03 миллиметр йўғонлиқдаги соҳа таласи юз грамм юнқ кўтара олади ҳамда унинг пўлатлиги ҳар бир квадрат сантиметрга 5000 килограммдан зиёд экан. Айларнинг соҳа ўрнимда ўртача икки юз минг соҳа таласи бўлиб, бу 20 тонна оғирлиқдаги юнқ билан кўтара олади, деган гап.

Умарбой тун қоронғусида мотоциклга минди. Чўпоннинг паст-беланд йўлларини яхши билган чўпон орадан бир соат ўтгандан кейин мотоцикл чирогининг кучли ёғдусида нимадир йилт этганини пайқиди. Маълум бўлишича, учма узок

А. РАҲИМОВ.

Редактор
У. УСМОНОВ.

Хотира ЖАНГЧИЛАРНИ ОЛГА БОШЛАРДИ

Ғулом Ёкубов 1915 йилда туғилган. Қизил Армия сафига 1941 йилда Андижон областининг Ленин райониди Кўйишев номида колхоздан чакрилди. У немис-фашист босқинчиларига қарши 169-ўқчи дивизиянинг 556-ўқчи полки составида автоматчилар взводи ва ротаси командирини сифатида жанг қилган эди.

Взвод жангчилари эгаллаган ўт очиш позицияси Смоленск областининг Ульяновск райониди Глиная қишлоғидаги унча узоқ бўлмаган тепалик яқинида эди. Автоматчилар қўш қорая бошлаганида рота командирни хузиридан қайтган летенант Ғулом Ёкубовни илқ қарши олишди. Мудофаада туриб ҳам душманга зарба бераётганликларига қарамай қарийб икки ойдан бери бир жойда туравериб жангчилар зардасини қайнатиб юборган эди.

— Бугун кечаси соат учда ярим соат давом эгитидан артиллерия тайёргарлигидан сўнг душманнын ўта мустаҳкамланган мудофаасини ёриб ўтиш учун ҳужум бошлаймиз. Шунга кўра автоматларни ва патронли дискларни яхшилаб кўздан кечириб чиқиш, гранаталарни ҳозирлаб, жангга шай бўлиб туриш лозим, — жанговар вазифани тушунтириб взвод командирни.

Артиллерия тайёргарлиги бошлангани биланқў взвод автоматчилари ўз позицияларини эгаллашди. Улар душ-

ман мудофаасига тезроқ зарба беришнинг сабрсизлиги билан кутардилар. Шу пайт бери неча ўйлаб замбарак ва миномётлардан зарбаларига ўт очилди. Душман позициясида снарядларнинг бетўхот ёрилишидан ёнги пайдо бўлди. Замбаракчилар йўллаётган ажал уруғи душман ўлдори омбори жойлашган ерда аниқ бориб тушадган эди. Отишма бир лаҳза тўхтамай давом эттириди.

Жангчилар, Ватан учун олга!

Отишма тиниши билан траншеядан биринчи бўлиб кутарилган Ғулом Ёкубов взвод жангчиларини олга чорлади.

Автоматчилар бир неча ҳафтадан бери кузатилаётган Глиная қишлоғи яқинидаги тепалик йўналишида олга силжий бошладилар. Взвод баҳодирлари фашистларини изма-из қувиб бориб, тепаликни ишғол қилдилар. Гитлерчилар янги кучларни жангга тушириб, қарши ҳужумга ўтишди. Аммо қўлай позицияда бўлган взвод жангчилари уларни тепаликка яқинлаштирмадилар, взвод командирини ҳам улар сафиди мардонавор жанг қилди.

Взвод жангчилари кўрсатган жасурлиги ва доғироклиги туфайли душманнын қайта ҳужуми тўрт мартаба муваффақиятли қайтарилди. Ушбу жангда взвод командирининг ўзи 8 фашистни ер тишлатди. Душман мурдона фашист ёриб ўтилиб, ўқин

бўлиналарининг ҳужумга

ўтишлари учун йўл очилди.

Ана шу жангда кўрсатган мардлиги ва жасорати учун 1943 йил июль ойида маҳсус буйруқ билан лейтенант Ғ. Ёкубов «Жасурлиги учун медали» билан мукофотланди. У Орёл областининг Знаменск райониди душман позициясини эгаллашдаги хизматлари учун «Қизил Юлдуз» ордени, Гомель областининг Чигерск райониди ўтказилган разведка ишларига маҳорат билан бошчилиқ қилгани учун «II даражали Ватан уруши» ордени, Гомель областининг Догавеск райониди душман мудофасини ёриб ўтишдаги кўрсатган намунаси учун «Қизил байроқ» орденига лойиқ деб топилди. Нихолт Могилев областининг Викховск райониди душманнын устуи кучларига қарши олиб боришдан жанглариди махсус буйруқни ўриналиб бажаргани учун Ғ. Ёкубовга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Взвод командирни Ғ. Ёкубов ҳарбий бурчини ўташ давомида тенгсиз жангларда мардларча ҳалок бўлди. Аммо у ўта мардлиги туфайли она-Ватанга меҳр-муҳаббат чексиз эканлигини намоён қилди.

Ҳеч қим, ҳеч нарса унутилмайдиган Андижон шаҳрида Галаба боғида Ғ. Ёкубовнинг немис-фашист босқинчиларига қарши жангларда кўрсатган жасорати равиш сифатида ёдгорлик рамзи кўтариб турибди. Шу шаҳардаги 49-мактаб, шунингдек, қардош Белоруссия ССРнинг пойтахти Минск шаҳридаги кўчалардан бири ҳам унинг номи билан аталмоқда.

М. САМАДОВ.

Кошона... болаларга берилди

Тошкентдан Чимён тоғларига бориш йўли кишини ўзига мафтун этади. Мусоффо ҳаво, осмонфўпар тоғлар... Чимён чағни бўйича халқаро мусобақалар масканига айланиб қолди. Худди шу жойдан нарироқда оқ устули бино қад ростлаб турбди. У илгари иккинчи номерли давлат бош қосили бўлган. Ҳозир эса бу ерда йнгирма биринчи болалар уйи қойлашган. Тошкент шаҳар ижроия комитети қарорига мувофиқ бош-қоғили ва унинг атрофидаги жой болалар ихтиёрига топширилди.

Бу жой уч йил қаровсиз қолди. Болалар келишган, унга фавз кира бошлади. Қошонанин кичик эгалари ободонлаштириш ишларини бошлаб юборишди. Боғ тартибга келтирилди. Кузда эса қишга ҳам етдирилган мева-чева йнгиб териб олинди. Тарбияланувчилар ўз қўллари билан терган маҳсулотдан қишга мўлжаллаб консерва тайёрлашди.


Болалар уйи хўжалиги катта. 20 гектардан зиёд ер майдони, лимонрий, теплица бор. Тошкент шаҳар бозорлари бошқармаси томонидан яқинда болаларга трактор совға қилинди. Шунингдек, уларга боқиш учун уч ситир, 200 дан кўп жўжа берилди.

120 тарбияланувчи ўз қўллари билан экин экиб, ундан ҳосил олишга одаланишяпти. Келажакда улар ёрдамчи хўжаликни кенгайтиришмоқчи. Боғ ҳосилини бошқа болалар уйлари ҳам жўнатиш мўлжалланяпти. Режалар яхши, Аммо, болалар уйда янги корпуслар қурилиши зарур. Маъмуриятнинг фикрича, мажмуи ишоотдан бошқа болалар уйда тарбияланувчи касалманд ўқувчилар учун профилакторий сифатида фойдаланиш мумкин. Бу мабул гоа. Лекин янги турар жой бинолари қуриш учун эса маблаг йўқ. Болаларга ёрдам кўрсатадиган мутасадди ташкилот ҳам ҳозирча йўқ.

Ўзбекистон Ахборот агентлиги фотоахборот бош редакцияси Тошкент шаҳридаги корхоналар ва ташкилотларга шундай мурожаат қилади: «Қўлимиздан келганича йнгирма биринчи болалар уйи тарбияланувчиларига амалий ёрдам берайлик. Болалар уйи чинакамига болалар қошонасига айлانسин.

СУРАТЛАРДА: 1. Ташкил мастери Т. Бухардини тарбияланувчи Е. Ходаревага трактор бошқаришини ўргатмоқда. 2. Рақс тўғарида машгулот. 3. Мактабга йўл олиш.

А. ГОРОКРИК фотолари (УзТАГ).



«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии
Ўзбекистана, Верховного
Совета и Совета Министров
Ўзбекистон ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:

700083, Тошкент, Ленинград
кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-72-16, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият — 33-44-51, 32-54-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оқимайиш ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-14-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.